

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ БУРИЛИШ НУҚТАСИ — ОЧИҚ ВА ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ЎЗАРО ИШОНЧНИ КУЧАЙТИРИШГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.



Саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, шунингдек, БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда

устувор соҳаларда қўшма лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Саммит аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон Маслаҳат учрашувлари форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилганини мамнуният билан эълон қилди. Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, бу қарор муштарак тарих, қардошлик ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Шунингдек, ушбу стратегик қадам Маслаҳат учрашувларига кучли шиддат беришига, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқлар очишига ишонч билдирди.

— Моҳиятан биз Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этмоқдамиз, ҳамкорлиكنинг ягона маконини шакллантиришга йўл очмоқдамиз. Бу икки минтақанинг стратегик

боғлиқлиги ва барқарорлигини кучайтириши шубҳасиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сўнг Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда минтақада амалга оширилаётган интеграция жараёنларини қисқача таҳлил қилди. Очiq мулоқот ва биргаликдаги фаол сазй-ҳаракатлар туфайли минтақа учун долзарб бўлган қатор муаммоларга самарали ечимлар топилгани таъкидланди.

Худудий масалалар узил-кесил ҳал этилди, чегара пунктлари очилди, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли

ҳамкорлик йўлга қўйилди, транспорт алоқалари қайта тикланди, фаол савдо-инвестициявий ва гуманитар алоқалар учун қулай шароитлар яратилди.

— Бугунги кунда Марказий Осиё — барқарор ўсиш ва фаровонлик учун олдимизда янги имкониятлар очаётган жадал тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Минтақа жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда: инвестициявий жозибадорлик ошмоқда, учинчи бозорларга экспорт қилиш имкониятлари

кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсмоқда. Ўтган йили минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард долларга етди, Марказий Осиёга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 17 фоизга кўпайди.

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризм ва экстремизм, трансчегаравий жиноятчилик таҳдидларига қарши курашиш масалалари бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Хурматли давлат раҳбарлари!  
Хурматли саммит иштирокчилари!  
Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида сизларни самийий кутлайман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!  
Бугун бизнинг қардош халқларимиз учун ҳақиқатан ҳам тарихий кун. Биз Озарбайжон Республикасини Маслаҳат учрашувларимиз форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисида принципал қарор қабул қилмоқдамиз.

Ушбу стратегик қадам умумий тарих, қардошлик ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Мен қатъий ишонаманки, қардош Озарбайжоннинг қўшилиши Маслаҳат учрашувларига кучли шиддат беради, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқларни очади.

Моҳиятан биз Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этмоқдамиз, ҳамкорлиكنинг ягона маконини шакллантиришга йўл очмоқдамиз. Бу икки минтақанинг стратегик боғлиқлиги ва барқарорлигини кучайтириши шубҳасиз.

Ушбу муҳим қарор қабул қилингани учун барча хурматли ҳамкасбларимга самийий миннатдорлик билдираман ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Гейдарович Алиевни Маслаҳат

учрашувларимиз форматига тўла ҳуқуқли иштирокчи бўлиб қўшилгани билан табриклайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе жанобларини ушбу тарихий саммитимиздаги иштироки билан кутлаймиз.

Бугун мана шундай жўшқин муҳитда ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш бўйича сизлар билан атрофлича фикрлашиб, муҳим қарорлар қабул қиламиз деб ишонаман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!  
Қадрлиқ дўстлар!  
Биз илк учрашувимиздан буён ўтган қисқа даврда жуда катта, аҳамиятига қўра тарихий йўлни босиб ўтдик. Очiq мулоқот ва биргаликдаги фаол сазй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамиз учун долзарб бўлган қатор муаммоларга самарали ечимлар топилшига муваффақ бўлдик.

Худудий масалалар узил-кесил ҳал этилди, чегара пунктлари очилди, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, транспорт алоқалари қайта тикланди, мамлакатларимиз ўртасида фаол савдо-инвестициявий ҳамкорлик йўли очиқланди.

Бугунги кунда Марказий Осиё — бу барқарор ўсиш ва фаровонлик учун олдимизда янги имкониятлар очаётган жадал тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконидир.

Минтақамиз жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда: инвестициявий

жозибадорлик ошмоқда, учинчи бозорларга экспорт имкониятлари кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсмоқда.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард АҚШ долларига етди. Минтақамизга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 17 фоизга кўпайди.

Мамлакатларимиз хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, терроризм ва экстремизм таҳдидлари, трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш борасида тизимли чора-тадбирларни кўрмоқда.

Ҳамжиҳатлик ва умумий тараққиёт сари интилишнинг кучайиши Марказий Осиёнинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги маконини мустаҳкамлаш ва глобал миқёсдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

“Марказий Осиё плюс” форматидagi муносабатлар кучайди. Минтақамиз нуфузли халқаро майдонларда ягона позицияни намоён этмоқда.

Форматимизга Озарбайжоннинг қўшилиши билан минтақамизнинг дунё ҳамжамиятидаги овози янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Хурматли ҳамкасблар!  
Ўзбекистоннинг раислиги даврида ҳамкорлигимиз салоҳиятини янада ошириш мақсадида 20 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди.

Бош вазир ўринбосарлари даражасида минтақалараро ҳамкорлик форуми иши йўлга қўйилди, илк бор муҳофаа идоралари, махсус хизматлар раҳбарлари,

шунингдек, геология, sanoat, қишлоқ хўжалиги, экология ва маданият вазирлари йиғилишлари ўтказилди. Тошкентда Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқотини муваффақиятли ўтказдик.

Буларнинг барчаси минтақавий шериклиكنинг институционал асослари ва механизмлари тизимли равишда кенгайиб бораётганидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда ЮНЕСКО Бош конференциясининг илк бор минтақамизда — Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий 43-сессияси муваффақиятли ўтишида қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу ноёб воқеа Марказий Осиёнинг ишончли ва аҳамиятли шерик сифатидаги имижининг яна бир тасдиғидир.

Хурматли ҳамкасблар!  
Мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро-сиёсий жараёнлар шароитида ўзаро ҳамжиҳатлигимиз ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ишончим комилки, бугун биз минтақамизнинг Янги Марказий Осиё сифатидаги тарихий уйғониш даври остонасида турибмиз.

Биз ҳамкорлигимизнинг институционал асосларини янада мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга нисбатан таҳдидларга ўзаро мувофиқлаштирилган жавобни ишлаб чиқишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

➤ Давоми 2-бетда

## ТУРКМЕНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 16 ноябрь куни давлат таширифи билан Тошкентга келди.

Олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Икки давлат етакчилари “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида суҳбат ўтказдилар.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сўнг Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр ижросида давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда Президентлар олдида саф тортиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сўнг Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни шоҳсупага таклиф қилди.

ЎЗА

## БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН КУЧЛИ, БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН МИНТАҚА

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи янги Марказий Осиёни барпо этиш борасидаги сазй-ҳаракатлар ва натижалар, минтақанинг беш давлати ҳамда уларда яшаётган халқлар учун улкан аҳамиятга эга масалаларга бағишлангани нуктаи назаридан нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа аҳолиси учун долзарб аҳамиятга эга. Мақолада таъкидланганидек, “Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтпмиз. Бизнинг минтақамизда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва хурмат муҳити шаклланмоқда”.



➤ Давоми 3-бетда





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ МАСЛАХАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

## Бошланиши 1-бетда

Биз учун ҳозирнинг ўзида минтақамизни бундан 10-20 йилдан кейин қандай кўришни хоҳлашимиз бўйича аниқ тушунчага эга бўлиш муҳимдир.

Шу муносабат билан қатор таклифларни илгари сурмоқчиман.

**Биринчидан**, ҳамкорлик механизмлари ва шартномавий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш принципиал аҳамиятга эгадир.

Учрашувларимизни минтақавий мулоқотнинг маслаҳат шаклидан “Марказий Осие ҳамжамияти” стратегик форматига айлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу мақсад йўлида форматимиз институционал ва ташкилий асосларини изчил мустаҳкамлашни назарда тутадиган Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, ротация асосида фаолият юритадиган Котибиятни таъсис этиш, миллий мувофиқлаштирувчилар мақомини Президентларнинг махсус вакиллари даражасига кўтаришни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, халқ дипломатияси соҳасидаги қадрият ва анъаналаримизга таянган ҳолда, бой ҳаётий тажриба ва обрў-этиборга эга жамоат арбобларидан иборат Оқсоқоллар кенгашини тузишни мақсадда мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу мамлакатларимизда авлодлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, шунингдек, умуминтақавий ҳамжихатлик ва ўзига хосликни мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

**Иккинчидан**, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтариш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Минтақа мамлакатларининг ўзаро савдоси ва умумий ташқи савдо айланмаси салоҳияти ўрта истиқболда улар

ҳажмларини камида 1,5-2 баробар ошириш имконини беради.

Маъмурий тўсиқларга барҳам бериш, солиқ ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналаридан биргаликда фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни кўриш вақти аллақачон етган деб ҳисоблайман.

Бизнинг нуктаи назаримизда, юқорида кўрсатиб ўтилган барча масалаларни қамраб оладиган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган кенг қамровли минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш савдо ҳажмларини сезиларли даражада ошириш учун қўлай шароит яратиш имконини беради.

Яқин истиқболда умумий инвестиция макони тўғрисидаги декларацияни қабул қилишни, айниқса, муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу бизнинг инвестиция сиёсатимизнинг умумий тамойилларини мустаҳкамлаш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминлаш, кенг минтақамизда ягона инвестиция муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш имконини берган бўлар эди.

Электрон савдо соҳасида салоҳият ва янги имкониятлардан фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Турли ҳисоб-ки-тобларга кўра, ушбу соҳанинг бозори фақат Марказий Осиёнинг ўзида яқин ўн йилликда 150 миллиард долларгача ўсиши мумкин.

Шу муносабат билан, бизнинг ёндашувларимизни уйғунлаштириш, виртуал савдо майдончалари ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишни енгиллаштириш имконини берадиган Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадда мувофиқ.

**Учинчидан**, юқори технологияли минтақавий инфратузилмалар ва транспорт-логистика салоҳиятини биргаликда

ривожлантириш минтақамиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Электр станциялари ва узатиш тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар, чегара орқали ўтказиш пунктлари, “яшил йўлақлар”, оптик-толали линиялар ва бошқа объектларни куриш ва модернизация қилиш бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган умуминтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун савй-ҳаракатларимизни бирлаштиришни таклиф этамиз.

Биз минтақалараро транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш мақсадида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли, шунингдек, Трансафгон транспорт йўлагини қурилиши каби лойиҳаларга устувор аҳамият қаратамиз.

Минтақамизни Европа мамлакатлари билан боғлайдиган Транскаспий йўлақлари бизнинг олдимизда катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Бу йўналишлардаги ишларни мувофиқлаштириш учун мамлакатларимиз бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Инфратузилмани ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил этиш мақсадда мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Тўртинчидан**, минтақамизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги бевосита бизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги савй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

Бутун қабул қилинаётган Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси, шунингдек, Таҳдидлар ва хавфлар каталоги ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беришига ишонаман.

Бутун минтақамиз хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган Афғонистондаги вазият алоҳида диққатимиз марказида бўлиши керак.

Биз қатъий ишонамизки, Афғонистонни инфратузилмавий, энергетика ва транспорт лойиҳаларимизга интеграцияси

умумий минтақавий сиёсатимизнинг ажралмас қисмига айланиши лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда бўлиб ўтган “Фаргона тинчлик форуми”ни қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман. Биз минтақамизда яқин мулоқот ва ўзаро ишонч руҳини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу экспертлик платформасини мунтазам ўтказиладиган халқаро анжуманга айлантириш тарафдоримиз.

**Бешинчидан**, экология, иқлим ва сув ресурслари тақчиллиги масалалари эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Биринчи Самарқанд иқлим форумида Марказий Осиёни “яшил” ривожлантириш концепцияси тақдим этилган эди. Ушбу ҳужжат қабул қилинишини қўллаб-қувватлашингизга умид қиламиз.

Минтақада сув тақчиллиги тобора ўсиб бораётгани ва унинг барқарор ривожланишидаги салбий оқибатларини ҳисобга олиб, 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Қўшни Афғонистонни Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга фаол жалб этишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Соҳа кадрларини профессионал тайёрлашга инвестиция жалб этмасдан туриб, сув ресурсларини самарали бошқариш имконсиз. Шу мақсадларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти базасида Сув хўжалиги соҳасида компетенциялар минтақавий марказини ташкил этишни режалаштирганимиз.

Сизларга маълумки, келгуси йилда мамлакатимизда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форуми ўтказишни режа қилганмиз. Бу борада сизларнинг қўллаб-қувватлашингизга ва анжуманда фаол иштирок этишингизга умид қиламиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш биродар халқларимизнинг умумий интилишларига тўлиқ жавоб беради.

Бизнинг минтақа минг йиллар давомида жаҳон цивилизацияси, буюк ғоялар яратилдиган, халқларни маданий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бойитадиган марказлардан бири бўлиб келган.

Кеча биз сизлар билан биргаликда Ислом цивилизацияси марказида бўлдик. Ушбу марказ илмий билимлар ва ғоялар яратиш, тадқиқотлар олиб бориш, умумий маданий-тарихий меросимизни оммалаштириш учун ноёб платформадир.

Марказ ёшларимиз, уларнинг илмий ва маънавий юксалиши учун хизмат қиладиган масканга айланишига умид қиламиз.

Куни кеча Тошкентда маънавий мерос ва маърифатпарварлик ғояларига бағишланган биринчи Халқаро конгрессни ўтказдик. Бундай учрашувларни мунтазам ташкил этишни зарур деб ҳисоблайман. Конгрессни ҳар йили, форматимизда раислик қилувчи мамлакатда ўтказиб боришни таклиф этамиз.

Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг минтақамиз таниқли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифатпарварлик ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган Махсус резолюциясини қабул қилиш борасида Ўзбекистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлашингизга умид қиламиз.

Бундан ташқари, Минтақавий илмий тадқиқотлар жамғармасини тузишни таклиф этамиз. Бу давлатлараро илмий лойиҳаларни молиялаштириш, академик ҳамжамиятни рағбатлантириш, минтақанинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатларимизнинг устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш учун сунъий интеллект технологияларини

жорий этиш бўйича имкониятларимизни кенгайтиришга хизмат қилган бўлар эди. Азиз дўстлар!

Бутун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва илгари сурилган ташаббуслар замирида барчамиз учун умумий бўлган барқарор, хавфсиз ва гуллаб-яшнаган Марказий Осиёни барпо этиш мақсади мубассамдир.

Алоҳида таъкидламоқчиман: бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда.

Фақат ҳамжихат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Ҳурматли ҳамкасблар! Сизларга бугунги очиклик ва ишчанлик руҳидаги чиқишларингиз, илгари сурилган конструктив ғоялар ва аниқ ҳаракат режалари учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ва халқимиз шаънига, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда кенгашдаги раислигимиз ҳақида билдирган самимий сўзларингиз учун барчангизга ташаккур айтаман.

Ҳеч шубҳасиз, сизлар илгари сурган барча таклифларнинг амалга оширилиши Марказий Осиёда дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, Туркменистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевчи Бердимухамедовни 2026 йилда, эндиликда янги — “Марказий Осиё ва Озарбайжон” форматига ўтадиган давлатлар раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида раисликни қабул қилиб олгани билан чин дилдан табриқлайман.

Биз Туркменистоннинг бўлажак раислиги давридаги савй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёригимиз ва бу йўлда Сизга катта ютуқлар тилаб қоламан.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ БУРИЛИШ НУҚТАСИ — ОЧИҚ ВА ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ЎЗАРО ИШОНЧНИ КУЧАЙТИРИШГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

## Бошланиши 1-бетда

Минтақанинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб, глобал масалалардаги роли ортиб бормоқда, “Марказий Осиё плюс” форматидagi муносабатлар кучаймоқда, минтақа нуфузли халқаро майдонларда ягона позиция билан майдонга чиқмоқда.

Форматга Озарбайжоннинг қўшилиши билан минтақанинг жаҳон ҳамжамиятидаги овози янада салмоқли бўлишига ишонч билдирилди.

**Ўзбекистон раислиги даврида 20 дан ортқ йирик тадбирлар ўтказилгани таъкидланди. Бош вазир ўринбосарлари даражасида Худудлараро ҳамкорлик форуми фаолияти йўлга қўйилди, илк бор мудоффа идоралари, махсус хизматлар раҳбарлари, шунингдек, геология, саноат, қишлоқ хўжалиги, экология ва маданият вазирларининг йиғилишлари ўтказилди. Куни кеча Тошкентда Марказий Осиё давлатлари етакчи аёлларининг мулоқоти муваффақиятли ўтказилди.**

Ушбу тадбирларнинг барчаси минтақавий шерикликнинг институционал асослари ва механизмлари тизимли равишда мустаҳкамланиб бораётганидан яққол далилат экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро сиёсий жараёнлар шароитида минтақа мамлакатларининг ҳамжихатлиги ва бир-бирини қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Ишончим комилки, бугун биз минтақамизнинг Янги Марказий Осиё

сифатидаги тарихий уйғониш даври остида турибмиз. Биз ҳамкорлигимизнинг институционал асосларини янада мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга нисбатан таҳдидларга ўзаро мувофиқлаштирилган жавобни ишлаб чиқишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Биз учун ҳозирнинг ўзида минтақамизни бундан 10-20 йилдан кейин қандай кўришни хоҳлашимиз бўйича аниқ тушунчага эга бўлиш муҳимдир, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Аввало, бугунги учрашувларни минтақавий мулоқотнинг маслаҳатлашув шаклидан “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматига айлантириш таклиф қилинди. Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, навбатма-навбат ишлайдиган Котибиятни таъсис этиш, миллий мувофиқлаштирувчилар мақомини Президентларнинг махсус вакиллари даражасига кўтариш бу борадаги дастлабки қадамлар бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, Президентимиз бой ҳаётий тажрибага эга, обрў-этиборли жамоат арбобларидан иборат Оқсоқоллар кенгашини тузиш ташаббусини илгари сурди, бу авлодлар ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек, умуминтақавий ҳамжихатлик ва ўзига хосликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчиси савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш вазифаси устувор экани, бу ўрта муддатли истиқболда ўзаро савдо ва умумий ташқи савдо айланмаси ҳажмини 1,5-2 баробар ошириш имконини беришини кўрсатиб ўтди.

Маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, солиқ ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналаридан биргаликда фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

— Бизнинг нуктаи назаримизда, юқорида кўрсатиб ўтилган барча масалаларни қамраб оладиган, савдо-иқтисодий

ҳамкорлик бўйича 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган кенг қамровли минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш савдо ҳажмларини сезиларли даражада ошириш учун қўлай шароит яратиш имконини беради, — деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, минтақада ягона инвестиция муҳитини шакллантириш учун Умумий инвестиция макони тўғрисидаги декларацияни қабул қилиш зарурлиги қайд этилди. Соҳадаги ёндашувларни уйғунлаштириш, виртуал савдо майдончалари ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишга қаратилган Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақанинг юқори технологияли инфратузилмаси ва транспорт-логистика салоҳиятини биргаликда ривожлантириш минтақа келажаги учун муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

**— Электр станциялари ва узатиш тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар, чегара орқали ўтказиш пунктлари, “яшил йўлақлар”, оптик-толали линиялар ва бошқа объектларни куриш ва модернизация қилиш бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган умуминтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун савй-ҳаракатларимизни бирлаштиришни таклиф этамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.**

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ва Трансафгон транспорт йўлагини қурилиши минтақалараро транспорт боғлиқлигининг устувор лойиҳалари сифатида қайд этилди. Худудни Европа давлатлари билан боғлайдиган Транскаспий йўналишлари катта имкониятларга эга эканига эътибор қаратилди.

Ушбу йўналишлардаги ишларни мувофиқлаштириш учун Бош вазир ўринбосарлари даражасида Инфратузилмани ривожлантириш кенгашини тузиш таклиф қилинди.

Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуктаи назаридан саммитда қабул қилинаётган ҳужжатлар — Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси ҳамда Таҳдидлар ва хатарлар каталоги юқори баҳоланди.

Афғонистондаги вазиятнинг хавфсизликка таъсирини ҳисобга олган ҳолда ва бутун минтақанинг барқарор ривожланиши учун ушбу мамлакатни минтақавий инфратузилма, энергетика ҳамда транспорт лойиҳаларига интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари яқинда ўтказилган “Фаргона тинчлик форуми”ни анъанавий халқаро форумга айлантириш зарурлигини билдирди.

Минтақа мамлакатлари учун экология, иқлим ва сув ресурслари тақчиллиги масалалари тобора долзарб бўлиб бораётгани шароитида Марказий Осиёнинг “яшил” тараққиёт концепциясини тез фурсатда қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақада сув танқислиги ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш таклиф этилди.

Қўшни Афғонистонни Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Сув хўжалиги соҳасида кадрларни профессионал тайёрлашга сармоя киритиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизида Сув хўжалиги соҳасидаги минтақавий ваколатлар марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили юртимизда ўтказилиши режалаштирилган сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида фаол иштирок этишга қаққирди.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор

қаратилди. Шу маънода, Ислом цивилизацияси маркази ёшлар, уларнинг илмий ва маънавий маърифати учун жозибадор масканга айланишига умид билдирилди.

Шунингдек, саммит арафасида пойтахтимизда илк бор ўтказилган Маънавий мерос ва маърифат масалалари бўйича халқаро конгрессни мунтазам ўтказиб бориш таклиф этилди.

Ушбу мавзунинг ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти минтақамизнинг атоқли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифат ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Илмий-таълим кооперацияси доирасида давлатлараро лойиҳаларни молиялаштириш, академик ҳамжамиятни рағбатлантириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш имкониятларини кенгайтириш учун Илмий тадқиқотлар фондини ташкил этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг якунида қабул қилинаётган ҳужжатлар ва илгари сурилаётган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишдек умумий мақсад мубассам эканини таъкидлади.

**— Алоҳида таъкидламоқчиман: бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжихат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.**

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Туркменистон Президенти 2026 йилда давлат раҳбарларининг “Марказий Осиё ва Озарбайжон” янги форматига бўлиб ўтадиган Маслаҳат учрашувида раисликни қабул қилиб олгани билан табриқлади.

Сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон етакчилари сўзга чиқди. БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. **Бундан ташқари, Президентлар қуйидаги муҳим ҳужжатларни қабул қилдилар:**

— **Қирғиз Республикасининг 2027-2028 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзолигига номзоди юзасидан БМТга аъзо давлатларга мурожаат;**

— **Озарбайжон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этишни тўғрисидаги қарор;**

— **Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси;**

— **Марказий Осиё хавфсизлигига хатарларнинг каталоги ва уларнинг олдини олиш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган чоралар.**

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида бугун сифат жиҳатидан янги давр бошланди. Музокараларни очик ва юзма-юз олиб бориш анъанаси қўшни давлатлар ўртасида ишончли кучайтиришга замин яратмоқда.

Тошкентдаги учрашув ана шу ижобий динамиканинг узвий давоми сифатида Марказий Осиёнинг янги бурилиш нукта-сига айлانганини яна бир бор тасдиқлади.

Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий саммити дастурдаги воқеалар якунлангач, “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Президентларини самимий кузатиб қўйди.

17 ноябрь куни Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифининг асосий тадбирлари бўлиб ўтади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилгани иқтисодий ҳамкорликнинг мана шундай юксак даражада ўсишига замин яратяпти. Давлатларимиз ўртасида яқин келгуси даврда биргаликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш келишувлари тузилган. Шубҳасиз, улар Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлигининг янада юқори бўлишини таъминлайди.



2025 йил 17 ноябрь, 238-сон

yuz.uz\_news — yuz

Марказий Осиё руҳи

# БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН КУЧЛИ, БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН МИНТАҚА

Бошланиши 1-бетда



Ягона ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси

Марказий Осиёнинг 5 мамлакати: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон асрлар мобайнида битта давлат таркибида бўлган. Тўғри, улар баъзан бир неча давлатга бўлинган. Лекин минтақанинг бир ёки бир неча давлат бўлганидан қатъи назар, иқтисодиёти асрлар мобайнида табиий иқлим, tupроқ, сув, аҳолининг кўчманчи ёки ўтроқ яшashi каби турли омиллар таъсирида ягона ҳудудий комплекс сифатида шаклланибган. Яъни бир давлатда қорвачилик устун даражада ривожланган ва аҳоли шу соҳага ихтисослашган. Бошқа мамлакатнинг муайян ҳудуди одамлари эса пахта, ғалла ва мевали экинлар етиштиришда моҳир бўлган. Бошқа жойларда яшовчилар сазавот ва озуқа экинлари етиштириш билан шугулланган.

Қисқача айтганда, мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқларга ихтисослашгани бу маконда яшаган халқларга сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш ҳамда тайёрлаш имконини берган. Шу боис, уларнинг иқтисодиёти миллионлаб ришталар орқали боғланган табиий ҳол эди. Ҳатто Чор Россияси ва собиқ иттифок даврида ҳам Марказий Осиё давлатларининг қадимдан таркиб топган ихтисослашув ҳолати ва устун жиҳатлари сақлаб қолingan. Наники сақлаб қолingan, балки ундан усталик билан фойдаланилган.

Комплекс парчаланишнинг оқибатлари

Мустақилликка эришишимиз шак-шубҳасиз бизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. У ҳамма давлатлар учун беқиёс имкониятлар яратди. Ўз мамлакатимизга, унинг буюк тарихига, бойлиқларига ўзимиз эга бўлдик. Ҳаётимизни, истиқболимизни ўзимиз ҳал қиладиган қуларга етдик.

Ўз-ўзидан равшанки, мустақилликка эришгандан кейин минтақанинг 5 давлати ҳам ўз давлат чегараларини ташкил этди, уни қўриқлай бошладик. Афсуски, 1992-2016 йиллар мобайнида бешта давлат ўртасида сунъий тўсиқлар пайдо бўлди, алоқалар сусайди. Улар орасида асрлар давомида шаклланиган ягона ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси барҳам топа бошладик. Бир-бирига қаттиқ боғлиқ иқтисодиётлар ичиндаги занжирларнинг узилиши барча давлатларга жуда катта иқтисодий зарар келтира бошладик. Уларнинг асрлар давомида бир-бири

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА” МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...



тириш жараёни бошланди. Ўзбекистоннинг очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, сув ресурслари, ички ва халқаро транспорт коммуникацияларидан самарали фойдаланиш, давлат чегараларидан ўтишни соддалаштириш каби 1992-2016 йиллар мобайнида ҳал бўлмаётган мураккаб муаммоларга ечим топилди.

Масалан, 2025 йил мартда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари чегараларининг туташуви тўғрисида ва Хўжанд декларацияси қабул қилиниши учта давлат ўртасидаги чегара муаммоларини бутунлай ҳал қилди.

Келишмовчилик ва конфликтларнинг катта қисми сув ресурсларидан фойдаланиш масаласида юзага чиқди. Бугун бу борадаги тортишувлар барҳам топиб, ундан умумий ва самарали фойдаланиш чоралари ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Қамбарота-1 ГЭСи лойиҳасини биргаликда амалга ошириш, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон Баҳри тожик (собиқ Қайроққум) сув омбори, Ўзбекистон ва Қирғизистон Чашма бўлоғи сувидан ўзаро манфаатли ҳамкорликда фойдаланиш, Ўзбекистон ва Тожикистон Зарафшон дарёсида Ёвон ва Фондлар ГЭСларини барпо этиш, Туркменистон билан Амударё сувидан ҳамкорликда самарали фойдаланиш борасида келишувларга эришди.

Бир пайтлар давлатдан давлатга ўттишда жуда катта муаммолар бор эди. Чегаралардан ўттиш ўта қийин бўлгани туфайли қўшни қишлоққа келин бўлиб тушган қиз отасининг жанозасида қатнаша олмай қолиши ҳолатлари жуда кўп юз берарди. Бундай сунъий тўсиқларнинг барчаси барҳам топди. Бугун минтақа халқлари бир-бириникига эмин-эркин бориб келмоқда. Бунда Қирғизистон билан ID карталар орқали чегарадан ўттиш амалиёти жорий этилгани қўл келаяпти. Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам яқинда шундай тартиб йўлга қўйилди.

Мақолада таъкидланганидек, бундай улкан натижалар ўз-ўзидан ҳал бўлгани йўқ. Бу ютуқлар минтақа халқлари учун умумий тақдир ва биргаликда ривожланишнинг соҳиёватини яхши тушушдан Марказий Осиё давлатлари лидерларининг аниқ мақсадларга йўналтирилган саяё-ҳаракати ва сиёсий иродаси туфайли амалга ошди.

Жумладан, 2023 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган бешинчи маслаҳат учрашувида давлат раҳбарларининг келишувларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг доимий механизми сифатида Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши таъсис этилди. Бундан ташқари, парламентлараро мулоқот ва Хавфсизлик кенгашлари котиблари даражасида мунтазам учрашувлар йўлга қўйилди.

2022 йил Чўлпонота учрашувида ХХI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш

мақсадида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўша йили давлат раҳбарлари томонидан Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳам тасдиқланди. Унда минтақа мамлакатлари халқаро платформалар, жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматига ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат қилишнинг йўналишлари белгилаб олинди.

2024 йилдаги Остона саммитида “Марказий Осиё — 2040” минтақавий кооперацияни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатларимиз тараққиётига қаратилган ҳамкорликнинг узок муддатли устувор йўналишлари белгилаб қўйилди.

янгй шакллари ташкил этишнинг аҳамияти жуда катта бўлди. 2025-2027 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг ўсишига қўмаклашадиган чегаралди савдо зоналари ва халқаро саноат кооперацияси марказлари бунга катта ҳисса қўшди.

Марказий Осиёнинг 5 мамлакати: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон асрлар мобайнида битта давлат таркибида бўлган. Тўғри, улар баъзан бир неча давлатга бўлинган. Лекин минтақанинг бир ёки бир неча давлат бўлганидан қатъи назар, иқтисодиёти асрлар мобайнида табиий иқлим, tupроқ, сув, аҳолининг кўчманчи ёки ўтроқ яшashi каби турли омиллар таъсирида ягона ҳудудий комплекс сифатида шаклланибган. Яъни бир давлатда қорвачилик устун даражада ривожланган ва аҳоли шу соҳага ихтисослашган. Бошқа мамлакатнинг муайян ҳудуди одамлари эса пахта, ғалла ва мевали экинлар етиштиришда моҳир бўлган. Бошқа жойларда яшовчилар сазавот ва озуқа экинлари етиштириш билан шугулланган.

Қисқача айтганда, мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқларга ихтисослашгани бу маконда яшаган халқларга сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш ҳамда тайёрлаш имконини берган. Шу боис, уларнинг иқтисодиёти миллионлаб ришталар орқали боғланган табиий ҳол эди. Ҳатто Чор Россияси ва собиқ иттифок даврида ҳам Марказий Осиё давлатларининг қадимдан таркиб топган ихтисослашув ҳолати ва устун жиҳатлари сақлаб қолingan. Наники сақлаб қолingan, балки ундан усталик билан фойдаланилган.

Одил ОЛИМЖОНОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодий фанлари доктори, профессор

билан эркин иқтисодий алоқалар қилиб келган чегара ҳудудларидаги қишлоқ ва шаҳарларнинг ўзаро савдо-сотиқ ҳажми кескин қисқара бошладик.

Масалан, чорва моллари Қирғизистонда кўп, қарлош халқ шунга ихтисослашган. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари эса асосан Ўзбекистонда етиштирилади. Жумладан, Наманган вилоятининг Янгйқўрғон тумани ва Жалолобод вилоятининг Олабуқа туманлари чегарадош. Янгйқўрғон халқи узум, анор, сабзи, пивё, қуруқ мева, хунармандлар ясаган уй-рўзгор анжомлари Олабуқа тумани қишлоқлари бозорларида эркин сотиб келган. Олабуқа тумани аҳолиси эса Янгйқўрғон қишлоқларида асосан чорва ва чорва маҳсулотлари, буг-дў, доривор гнёҳлар каби маҳсулотлар билан савдо қилган.

Чегаралардаги тўсиқлар туфайли ўша даврда улар қўшни давлат бозорига мўлжаллаб етиштирилган маҳсулотларини бир-бирига эркин сота олмай қолди. Яъни турли давлатларга қарашли, лекин бир ариқнинг икки четида жойлашган ёндош қишлоқлар сунъий говлар туфайли маҳсулотларни сотиладиган катта бозорни ва бундан олаётган даромадини йўқотди...

Ўзбекистон — яхши қўшничилик ташаббускори

Президентимиз бу ҳолат Марказий Осиё давлатлари ва халқларига жуда катта иқтисодий зарар келтираётганини чуқур ҳис қилган. Шу боис, Президентлик фаолиятининг дастлабки паллаларидан бошлаб дарҳол ташқи сиёсатни буткул ўзгартирди. Мамлакатимиз дунёга очилди, аиникса, қўшни давлатлар билан алоқаларни тубдан кенгай-

Давлатимиз раҳбари “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган буюк килса арзийдиган буюк келажатимиз ҳам, албатта, бўлади”, деган эди. Бугун ушбу фикр Марказий Осиё халқларининг буюк гоё остида бирлашувига асос бўлмоқда. Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласида бу борадаги амалий жараёнлар аниқ мисоллар билан таҳлил қилинган.



Хуршид ҚУРБОНОВ, тарих фанлари номзоди

УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХНИНГ БУГУНГИ ҲАҚИҚАТИ

Бугун жаҳон сиёсий харитасида ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон нафақат яқин қўшничилик, балки умум-башарий яхлит минтақа сифатида шаклланибмоқда. Чунки бу минтақани бирлаштирган уч минг йиллик давлатчилик, икки миллион йиллик инсоният тарихи ўзига хос цивилизацияга асос бўлган эди. Қадимги Хоразм, Афросиёб, Ахси, Кармана, Хива, Самарқанд, Бухоро каби ўзлаб шаҳарлар жойлашган бу минтақа ўзининг қудратини қайтадан намоён қилмоқда.

Қолаверса, бу ҳудудда эътиқод ва ахлоқ масалалари бошқа ҳудудлардагига қараганда эртароқ куртақ ёзгани, шаҳар ва жамоа маданияти барқарор шаклланибган ҳам минтақанинг жозибадорлигини оширади. Бугунги глобаллашув ва геосиёсий жараёнларнинг жаддаллашиши,

ҳудудий, этник ва сиёсий муаммоларнинг тобора кўпайиб бораётгани инсоният келажиги учун катта тўсиқ ва хавф сифатида кўрсатилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда асос солинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш анъана тусига кирди. Бугун минтақадаги давлатларнинг Бош вазирлари, Хавфсизлик кенгашлари котиблари, ташқи ишлар вазирлари, ички ишлар вазирлари, ҳатто хотин-қизлар етакчилари учрашувлари мунтазам ўтказилипти.

Давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувларида минтақа ривожини учун ўта муҳим, долзарб ва стратегик масалалар айтилмоқда ва ҳал этилмоқда. Ёқилги-энергетика ресурслари, савдо-транспорт алоқалари, сув ресурсларидан фойдаланиш, умуман, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий масалалар кенг миқёсда ечимини топтоқда.

“Жаҳон тартиботининг кенг қўламда трансформацияга учраши, глобал иқтисодиётни парчалашга қаратилган ҳаётлар, иқлим ўзгариши, озик-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиб бораётгани саяё-ҳаракатларимизни бирлаштириш йўлидаги интилишларимизни кучайтирди”, дейди Президентимиз.

Бугун минтақамиз халқаро муозакараларнинг “Марказий Осиё плюс” форматига ўтмоқда. Бу жаҳон ҳамжамиятида минтақага қизиқиш, ҳамкорлик ўрнатишга интилиш кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида “Марказий Осиё ва Европа”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия”, “Марказий Осиё — АҚШ” саммитлари бўлиб ўтгани минтақанинг глобал сиёсатдаги стратегиясини кўрсатиб берди. Буларнинг барчаси том маънода Марказий Осиё минтақаси истиқболини мустаҳкамламоқда.

66

Давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувларида минтақа ривожини учун ўта муҳим, долзарб ва стратегик масалалар айтилмоқда ва ҳал этилмоқда. Ёқилги-энергетика ресурслари, савдо-транспорт алоқалари, сув ресурсларидан фойдаланиш, умуман, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий масалалар кенг миқёсда ечимини топтоқда.



Таклиф

Ўзбекистон бутун жадал урбанизация даврини бошдан кечирмоқда. Бу кўп жиҳатдан асосий маъмурий тузилмалар, етакчи университетлар, шунингдек, саноат ва маданият марказлари жойлашган мамлакат пойтахтида ўз аксини топмоқда.

Бундай ҳолат табиий равишда Тошкентни ички миграция “оҳанрабо”сига айлантиради. Бу эса демографик босимни кучайтиради. Уй-жой, транспорт, энергетика ва коммунал хизматларга эҳтиёж тез ўсади. Бироқ инфра-тузила кўп ҳолларда аҳоли ўсиш суръатидан ортда қолмоқда.

Халқаро ташкilotларнинг сўнгги тадқиқотларида шунга ўхшаш номунасиб-ликларга эга шаҳарлар сурункали тирбанд-лик, энергетика узиллиши, экологик вазият ёмонлашуви ва ҳаёт сифати пасайишига дуч келиши таъкидланмоқда. Шу билан бирга, Жаҳон банки экспертлари таъкидлаганидек, инновациялар ва инвестицияларсиз шаҳарлар барқарор ривожланиш талабларига жавоб бера олмайди.

2025 йил 1 июль ҳолатига кўра, 19,3 миллиондан ортиқ киши (аҳолининг қарийб 51 фоизи) шаҳарларда яшайди, қишлоқ жойларда эса 18,6 миллион киши истиқомат қилмоқда. Бу эса аҳолининг барқарор ўсиши ва қишлоқ жойлардан кетиши давом этаётганини акс эттиради. Тошкент шаҳрида расман 3,1 миллион киши рўйхатга олинган, бироқ ички мигрантлар ва талабаларни ҳисобга олганда, шаҳарда ҳар кунги бўладиган аҳолининг ҳақиқий сони бу рақамдан 30-35 фоиз ошиши мумкин. Бу йўл-транспорт тизими, энергетика ва коммунал тармоқларга юклани кескин оширомоқда.

Бунда таълим инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки мамлакатдаги 222 та олий ўқув юртининг 98 таси Тошкент шаҳрида жойлашган. Бундай нотекис тақсимот пойтахтга ёшларнинг оммавий оқими-га олиб келди. Бу эса уй-жой, транспорт ва шаҳар хизматларининг ортиқча юкланиши муаммосини янада оғирлаштирмоқда.

Яна бир омил — сув, электр ва газ таъминоти тармоқларидаги босимни етарлича таҳлил қилмай, кўп қаватли уйлари фаол қуриш, бу эса истеъмол юқори бўлган пайтларда коммунал хизматларда тез-тез узиллишларга олиб келади.

Тошкентнинг энг долзарб муаммолари-дан яна бири — тирбандлик. Тинч со-атларда ўртача йўл вақти 50-60 дақиқадан ошади. Сўнгги саккиз йилда автомобиль сони деярли икки баравар кўпайди, йўл тармоғининг узунлиги эса 0,5 фоиз камайди. Бу, ўз навбатида, номунасибликни келтириб чиқаради ва магистралларнинг сурунка-ли босим остида қолишига олиб келади.

БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2040 йил-га бориб дунё аҳолисининг қарийб 60 фоизи шаҳарларда яшайди. Юк машиналари, енгил автомобиллар ва ҳаво транспорти икки баравар кўпаяди, чиқиндилар ҳажми эса ошиб боради.

Жаҳон банки ҳисоботида эса шахсий транспортдан фойдаланишнинг ўсиши



Жамшид ШАРИПОВ,  
“Тараққиёт стратегияси”  
бўлим бошлиғи

тирбандликларнинг кўпайиши, ҳавонинг ифлосланиши ва иш ўринлари камайиши ҳамда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти пасайишига олиб келаётгани таъкидланади.


“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва урбанизация даражасини 51 фоиздан 60 фоизга етказиш бўйича мақсадларини тўлиқ амалга ошириш учун “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан етакчи шаҳарларда самарадорлигини исботлаган ва Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари шаро-итига мослаштириш мумкин бўлган инно-



вацион чора-тадбирлар мажмуаси таклиф этилмоқда. Ушбу тавсияларда рақамли технологиялар, номарказлаштирилган бошқарув моделлари ва “яшил” амалиёт-ларни бирлаштириб, шаҳар муҳитининг барқарорлигини таъминлайдиган тизимли ечимлар келтирилган.

Жумладан, Тошкент шаҳрида сурункали тирбандлик муаммосини “Хизмат сифати-даги мобиллик” концепциясини жорий этиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бундай тизим аллақачон Хельсинкида муваффақиятли

# ШАҲАРЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ МУАММОЛАРИ: ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



“Тошкент шаҳрида сурункали тирбандлик муаммосини “Хизмат сифатидаги мобиллик” концепциясини жорий этиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бундай тизим аллақачон Хельсинкида муваффақиятли ишламоқда. У ерда метро, автобус, таксилар, каршеринг ва велосипедларни ягона рақамли платформага бирлаштириш атиги икки йил ичида шахсий автомобиллардан фойдаланишни 12 фоиз камайитириш имконини берди.

вақтини ҳозирги 60 дақиқадан 45 дақиқачага қисқартириш имконини беради.

Шаҳарларда энергия таъминоти барқарорлигини ошириш учун виртуал электр станциялари ва маҳаллий микротармоқлар каби номарказлаштирилган ечимлардан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Германияда Next Kraftwerke лойиҳаси 15 мингга яқин кичик энергия манбаларини ягона тармоққа бирлаштирди. Бу эса энергия таъминоти барқарорлигини оширди. Next Kraftwerke компаниясининг ўзига хос хусусия-ти шундаки, қурилмалар қувватни бирлашти-риш орқали йирик марказий электр станциялар-ни ёки саноат истеъмолчилари билан бир хил хизматларни тақдим этиши, уларни тўплаши ва кейинчалик худди шу бозорларда сотиши мумкин. АҚШда — Бруклин ҳудудида пилот микротармоқ аҳолига тўғридан тўғри Brooklyn Microgrid блокчейн платформаси орқали энер-гия алмашиш имконини берди.

Тошкент шаҳри шароитида бундай техно-логиялар электр энергияси таъминотидаги узиллишларни 30 фоиз камайитириши ҳамда номарказлаштирилган генерация ва юкла-мини оптималлаштириш орқали 15 фоизгача энергия тежаллишини таъминлаши мумкин.

Экологик вазиятни яхшилаш учун “шаҳарнинг рақамли эгизаги”ни жорий этиш истиқболли восита бўлиши мумкин. Бундай

қилиш ва интеллектуал автотураргоҳ ечим-лари. Хитойнинг аҳоли зич жойлашган ме-гаполислари, масалан, Шанхайда сўнгий интеллектга асосланган ҳаракатни бошқа-риш технологияларини жорий этиш орқали тирбандликни 18 фоиз камайитириш ва ўртача саёҳат вақтини 9 дақиқача қисқар-тиришга эришилди.

Тошкент шаҳрида шу каби ечимларни мослаштириш 2030 йилга бориб йўллардаги тирбандлик даражасини 20-25 фоиз камайи-тириш ва тигиз вақтларда ўртача ҳаракатланиш

## АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПОЙДЕВОРИ

Долзарб мавзу

Яқинда солиқ тизимига дахлдор яқин дўстим билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишича, бугун тизимда жиддий янгиланишлар амалга оширилаётган экан. Айниқса, электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭХФ) билан боғлиқ тартибларга катта эътибор қаратилаётганини изоҳлар экан, таажжуб уйғотувчи бир воқеани ҳам мисол сифатида келтирди.

Жорий йил июлида эндигина рўйхатдан ўтган ва расман чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш учун ташкил этилган МЧЖ ўзининг илк шартномаси доирасида қарийб 1 триллион сўмлик, аниқроғи, 896 миллиард сўм (шундан 96 миллиард сўми ҚҚС қий-матидаги қора металл сотиш бўйича электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирган. Бу ҳо-латни эшитган, ўринли савол туғилади: чор-вачилик ҳўжалиги қандай қилиб саноат микёсида металл сотиш даражасига етади?

Энди масалaga кенгроқ ёндашсак. Ас-лида, бу каби ҳолатлар фақат бир шахснинг уddaборонлиги ёки муваффақиятга интили-ши билан изоҳланмайди. Бу кенгроқ тушу-нчани ифодалайди. Нафақат солиқ тизими ишончилигини, балки умумий иқтисодий муҳитни ҳам шубҳа остида қолдиради. Чун-ки ҳисоб-китобларга таянган жамиятда, агар ҳисобварағидаги рақамлар реал иқтисодий фаолиятни акс эттирмаса, ҳар қандай бизнес муносабатининг пойдевори бўлган ўзаро

ишончга путур етади. Бир ҳужжат ортидаги сохта маълумот нафақат давлатни, балки бе-восита миқзони, ҳамкорни, ҳатто бозорда ўз ўрнига эга бўлаётган бошқа ҳалол тadbиркор-ни ҳам алдаб, иқтисодий муносабатлар зан-жирига узиллиш пайдо қилади.

Зеро, жамиятдаги ўзаро ишонч иқтисодий қўламдорликнинг кўринмас занжиридир. Бир тadbиркор ҳужжатда реал фаолиятга мувофиқ келмайдиган маълумотни киритиши бошқа тadbиркорда нотўғри тасаввур уйғотади. Бу эса у билан тузилган келишувда алданиш ёки муайян молиявий рискларга олиб келади. Уму-мий натижада “ишончли ҳамкорлик” деган ту-шунчанинг қадри пасаяди. Жамиятда ҳалол ва қонуний фаолият юритаётган тadbиркор ҳам ўзини эҳтиёт қилишга, ҳатто ишонмасликка мажбур бўлади. Бу бозор иқтисодиётидаги ри-вожланишга зид ҳолат.

Айнан шундай хавфли тенденцияларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан солиқ маъмуричилигида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан бири электрон ҳисо-варақ-фактураларни хавф даражасига кўра ав-томатик баҳолаш тизимидир. Ушбу янги тизим 2026 йил 1 январдан бошлаб амалиётга тўлиқ жорий этилади.



— Янги тизимнинг муҳим жиҳати шундаки, электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлашти-риш жараёнининг ўзидaёқ ҳужжатдаги маълу-мотлар ишончилиги, иқтисодий асослангани ва қонунбузарлик эҳтимоли автоматик таҳлил қилинади. Хавф даражаси юқори деб топилса, маълумот хариддорга ҳам кўрсатилади. Бу эса жамиятда ишончсизлик эмас, балки ҳушёрлик, ҳолисона баҳолаш ва масъулиятни оширишга хизмат қилади. Чунки биз кўпинча “ишончли ҳужжат” деб қабул қилган маълумот аслида қайғат текширилиши лозим бўлган воситага айланиб қолмоқда, — дейди Солиқ қўмитаси-нинг жамоатчилик билан алоқалар бошқарма-си бошлиғи ўринбосари Музаффар Назаров. — Айни вақтда ўрқашу тизим синов тартибида ишламоқда. У шубҳали тadbиркорлар йўл қўяёт-ган кўплаб хатолар ва шубҳали ҳисоб-китоблар автоматик аниқланмоқда. Аммо бу ҳолатлар бўйича ҳозирча жазо чоралари қўлланмапти.

Бу давр ислохотга тайёргарлик босқичи, солиқ интизомини шаклан-тириш ва ҳуқуқий онгни ошириш учун зарур мезонларни белгилаш пай-тидир.

Масалан, муайян корхона номига кўп мил-лиард сўмлик ҳисобварақ-фактура расмий-лаштирилди, аммо корхонада ишчи кучи, ускуналар ёки логистика воситалари мавжуд эмас. Яъни иқтисодий операция қолғозда бор, лекин ҳаётда йўқ. Бундай ҳолатлар қонун-бузарлик деб аталмаса-да, амалда жамиятда ишончли иқтисодий муносабатларга таҳдид ҳисобланади.

Янги тизимда қўқори хавфли деб баҳолан-ган электрон ҳисобварақ-фактуралар умумий ҳисобот давридаги ҳужжатларнинг 10 фоиз-дан ошмаслиги лозим. Қолаверса, шундай ҳи-соб-фактураларда кўрсатилган ҚҚС (қўйилган қиймат солиғи) суммалари фақатгина тегишли тўловлар давлат бюджетига амалий равишда тўланганидан сўнггина ҳисобга олинади. Бу эса “қолғозда эмас, пулда” деган таъминий илгари суради ва иқтисодий муносабатларда “расмийлаштириш” эмас, балки “амалга оши-риш” мезонини устувор қилади.

Аслида, мазкур автоматлаштирилган тизим-нинг жорий этилишига сабаб бўлган ҳолатлар бир неча йил давомида тўпланган тажриба, ку-затув ва таҳлиллар асосида шакланган. Иқти-содий фаолиятнинг ҳақиқий манзарасини акс эттирмайдиган ҳужжатлар — электрон ҳисо-варақ-фактуралар орқали юз берган бузилиш-лар қўлами жиддий муаммога айланган эди.

2025 йилнинг июль-сентябрь ойларидаги таҳлилларга кўра, 27 нафар солиқ тўловчи то-монидан иқтисодий мазмунга мос келмайдиган операциялар амалга оширилган. Бу корхоналар орқали 281 та бошқа юридик шахсга 5,9 трил-лион сўмлик ҳисобварақ-фактуралар расмий-лаштирилган ва натижада 706 миллиард сўм ҚҚС ҳисобга олинган. Бу рақамлар шунчаки



УШБУ МАҚОЛАНИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ  
Тилида ҳам  
ўқиш учун  
QR-КОДНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!



бухгалтерия хатоси ёки техник носозлик нати-жаси эмас, қасддан қилинган ҳаракатларнинг белгисидир.

Гап ишчи кучи йўқ, мулкка эгалик қилмай-диган, ҳатто офис ва омбори бўлмаган, бир неча ойлар давомида фаолият юритмаган, лекин бир неча кун ичида юзлаб миллиард сўмлик товар айланмасини ҳужжатда акс эттирган корхо-налар ҳақида гап кетмоқда. Бундай ҳолатлар жамиятдаги адолатли рақобат таъминиларига зарба беради. Агар ҳали-ҳануз бундай амалиёт-ларга йўл қўйилса, ҳалол ишлаётган тadbиркор учун қонун ва бозор қоидалари ўз аҳамиятини йўқота бошлайди.

Шунинг учун ҳам солиқ органлари томони-дан янги тизимнинг жорий этилиши нафақат фискал назоратни кучайтириш, балки биз-нес муҳитини соғломлаштиришга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Мазкур

тизимда инсон хатоси ёки субъектив қараш учун жой қолдирилмаган барча баҳолаш авто-матик алгоритмлар орқали амалга оширилади. Бу эса тadbиркорларга тенг шароит, шаффоф ҳисоб-китоб ва адолатли рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Эътиборлиси, сўнгги ойларда Солиқ қўми-таси ўз расмий веб-сайти ва ахборот каналлари орқали тadbиркорлар томонидан йўл қўйилаёт-ган қўпол хато ва қонунбузарлик ҳолатларини очик эълон қилиб бормоқда. Бу амалиёт бир неча жиҳатдан фойдали: аввало, тadbиркорлар ўргана-ди, хатоларидан ҳулоса чиқаради. Иккинчидан, жамиятда ҳисоб-китоблардаги аниқлик, фаолият-даги масъулият ва иқтисодий муносабатлардаги ишонч мезонлари мустаҳкамланади.

Шу билан бирга, мазкур ангиллик тadbир-корларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимо-ясига ҳам хизмат қилади. Чунки харидор ёки ҳамкор ҳисобварақ-фактуранинг хавф даража-си ҳақида олдиндан огоҳлантирилади. Бу унга қарор қабул қилишда янада масъулиятли бў-лиш, шубҳали шартнома тузишдан сақланиш ва бизнесни хатардан муҳофиза қилиш имко-нини беради.

Эндигина бизнесга кириб келаётган ёш тadbиркор ёки ният қилган ишбилармон учун энг катта тисқилардан бири номаълумлик ва ишончсизлик муҳити. Агар бозорда сохта ай-ланмалар ҳукмрон бўлса, бу ҳақиқий меҳнат ва ташаббус орқали иш бошлаган инсонлар-нинг руҳини синдиради. Шу бois, янги тизим фақатгина “текишувчи механизм” эмас, балки ислохотлар орқали адолатни қарор топтириш воситасидир.

Зеро, ўзаро ишонч, адолат ва шаффофлик иқтисодий барқарорликнинг пойдеворидир. Агар ҳисоб-китобларда сохта маълумотларга йўл қўйилса, бу пойдеворга путур етади. Аммо бари ниятсиз — давлат, тadbиркор ва жа-мият биргаликда, айниқса, рақамли тузилмалар орқали шаффоф тизим яратишга ҳаракат қилса, нафақат солиқ йиғимларини оширади, балки юртдаги умумий тараққиётга хизмат қилади.

Электрон ҳисобварақ-фактураларни хавф даражасига кўра баҳолаш тизими Ўзбекистонда солиқ соҳасидаги туб ислохотларнинг мантқий давомидир. Бу тизим жамиятдаги ишонч муҳити-ни қайта тиклаш, бизнесда адолатни қарор то-птириш ва фаолиятни рақамли тизимлар асосида қонуний йўлга қўйишнинг муҳим асоси.

Иқтисодий муносабатларда ишонч тиклан-са, тўланган ҳар бир солиқ ўз ўрнида қадрла-нади. Ишонч кучайса, ҳамкорлик кенгайяди. Ҳамкорлик кенгайса, фаолият самараси ошади. Самарали фаолият эса, шубҳасиз, халқ фa-ровонлиги ва давлат раванқига хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

## КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИЯСИ

Замонавий, рақобатбардош ва халқаро стандартларга мос таълим тизими янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим пойдеворларидан биридир. Бугун инсон капиталига эътибор давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Зеро, қайси соҳани олманг, унинг муваффақияти, аввало, малакали кадрлар тайёрловчи таълим тизимига боғлиқ.



Шу маънода, кейинги йилларда таълим соҳасига қаратилган эътибор ва амалий чора-тадбирлар натижасида улкан ўзгаришлар кузатилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бугунги кунда касбий таълим тизимидаги ислохотлар эса янги авлод кадрларини тайёрлашнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. Президентимизнинг жорий йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва шу кунги қабул қилинган “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори таълим соҳасидаги стратегик бурилиш нуқтаси, десак муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжатлар нафақат тизимни қайта қуриш, балки уни халқаро андазаларга мослаш, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, ишлаб чиқаришга тайёр мутахассислар етиштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарор билан белгиланган Касбий таълим тизимини 2030 йилга қадар ислох қилишнинг асосий мақсади кўрсаткичлари соҳадаги аниқ “йўл харитаси”дир. Масалан, техникумларда халқаро ва қўшма таълим дастурлари сонини 250 тага етказиш, 9-синф битирувчиларининг касбий таълим билан қамровини 50 фоизга ошириш, дуал таълим улушини 40 фоизга етказиш, ишлаб чиқариш таълими усталарининг камида 30 фоизи касбий сертификатга эга бўлишини таъминлаш каби вазифалар нафақат статистик кўрсаткич, балки тизимдаги сифат ўзгаришининг мезони ҳамдир.

Ана шу мақсадларга эришиш учун тизимли бошқарув, илмий ёндашув ва аниқ масъулият зарур. Шу боис, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурда Касбий таълим агентлиги ташкил этилиши ўта долзарб қадам бўлди. Агентлик фақатгина маъмурий орган эмас, балки касбий таълим соҳасидаги сиёсий, илмий ва методик марказ сифатида фаолият юритади. У техникумлар фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим дастурлари мазмунини ва битирувчилар малака даражасини белгилаш, ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш билан шуғулланади. Бу



орқали ҳар бир таълим муассасаси ягона миллий стандарт, шу билан бирга, халқаро мезонларга мос равишда фаолият юритади.

Қарорда белгиланган яна бир муҳим жиҳат меҳнат бозори билан таълим тизими ўртасидаги узвий боғлиқлиқни таъминлашдир. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Миграция агентлиги ҳамда касбий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилади. Бу эса аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ишсиз ва касби бўлмаган фуқароларни ваучер тизими асосида касбга ўқитиш, хорижий тил ва замонавий малака дастурлари орқали иш билан таъминлаш имконини беради. Натижада касбий таълим нафақат ёшлар, балки катта ёшдагилар учун ҳам янги имконият эшигини очади.

Ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати дуал таълимни кенг йўлга қўйишдир. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим олувчи ўқувчиларга ойлик стипендия тўланиши белгиланган йўқувчи учун ҳам, ишлаб чиқариш учун ҳам рағбат манбаидир. Бу тизим орқали ўқувчи ўқиб жараёндаёқ иш тажрибасига эга бўлади, ишлаб чиқариш корхоналари эса тайёр кадрлар билан таъминланади.

Шу билан бирга, фармон ва қарорда белгиланган яна бир муҳим ва рамзий ташаббус 2026 йилдан ҳар йили 5 майнинг Касб ва меҳнат кунли сифатида нишонланиши бўлди. Бу сана фақат байрам эмас, балки меҳнат ва касбга муносабатни янги босқичга кўтариш, жамиятда касбий фаолиятнинг қадрини ошириш, меҳнат соҳаси эгаларига ҳурмат ва эътиборни кучайтиришнинг амалий ифодасидир. Бу кун доира-сида ёшлар орасида касблар жозибadorлигини ошириш, уларни аниқ мақсад сари йўналтириш, турли маҳорат танловлари, кўргазма ва илҳомлантирувчи учрашувлар орқали касбий таълимни оммалаштириш кўзда тутилган.

Касб ва меҳнат кунли жорий этилиши ёшлар орасида “меҳнат — шараф, касб — ҳунар” деган қадриятни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу ташаббус ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларда ўз қобилиятини англаш, меҳнат орқали жамиятга фойда келтириш, ўз касби билан фахрланиш туйғусини уйғотади. Зеро, мамлакат тараққиёти меҳнаткаш инсонлар, ўз ишига сидқидилдан ёндашувчи мутахассислар қўлида.



Собир ТУРСУНОВ,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор

Шу боис, мазкур байрам фақат нишонланадиган сана эмас, балки янги авлод онгига меҳнат маданиятини шакллантирадиган маънавий майдон сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, техникумлар фаолиятини баҳолашнинг миллий рейтинг жорий этилиши таълим сифати учун кучли мотивация бўлади. 2026 йилдан бошлаб энг юқори ўринни эгаллаган 50 та техникум БХМнинг 3000 баравари миқдорига рағбатлантирилиши белгиланган. Бу ислохот таълим муассасаларини сифатли таълим, самарали менежмент ва инновацион ёндашувга ундайди. Шунингдек, Президент соврини учун ўтказиладиган касбий маҳорат миллий танлови ёшларнинг касбга қизиқишини оширади, уларни ижодий ва амалий фаолиятга илҳомлантиради.

Ҳужжатлардаги яна бир муҳим масала техникумларнинг ҳуқуқий ва моддий барқарорлигини таъминлашдир. 2030 йилга қадар уларни тугатиш ёки хусусийлаштиришга мораторий жорий этилгани таълим муассасаларининг тинч, узлуксиз ва барқарор фаолият юритиши

УШБУ МАҚОЛАНИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ  
ТИЛИДА ХАМ  
ЎҚИШ УЧУН  
QR-КОДНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!



учун кафолатдир. Бу орқали давлат касбий таълим соҳасини узоқ муддатли стратегия асосида ривожлантириш мақсадини аниқ ифода этди. Албатта, бундай ислохотлар нафақат ҳужжат даражасида, балки ҳаётнинг ўзида амалиётга айланиши керак. Бунда педагоглар малакасини ошириш, уларни хорижа стажировкага юбориш дастурлари катта аҳамиятга эга. Келгуси йилларда бундай устозлар сонини 100 нафардан 2500 нафарга етказиш режаси кадрлар салоҳиятини сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш демекдир.

Бир сўз билан айтганда, фармон ва қарор Учинчи Ренессанс ғоясини амалга оширишда таълим тизими, айниқса, касбий таълимнинг ўрни беқиёс эканини яққол намойён этди. Ушбу ҳужжатлар янги авлод мутахассисларини тарбиялаш, меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, энг муҳими, замонавий дунё билан тенг қадам ташлайдиган ёшларни вояга етказиш йўлидаги мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий пойдевордир.

Янги Ўзбекистонда таълим тизими ислохотлари шунчаки дастур эмас, балки келажакнинг янги модели. Ушбу ислохотлар орқали ватанимизда билимли, ўз касбининг устаси, замонавий фикрловчи ва ижодкор авлод шаклланади. Ана шунда Учинчи Ренессанс ғояси ҳаёт ҳақиқатига айланади.



Миллий  
давлатчилигимиз  
тарихидан

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасидаги туб янгиланишлар, юксалишлар билан бирга миллий давлатчилиқни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётни ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тарих фанида ҳам аждодаларимиз тарихини ўрганиш ва уларга ҳолис баҳо бериш, шу асосда миллий қадриятларимизни тиклаш учун янгича ёндашув ва имкониятлар яратилди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган улуг тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодаларимиз бор”.

Мўғуллар истилосидан сўнг қултепага айланган Туркистон замини 150 йил давомида истибод остида қолди. Мўғул босқинчиларига қарши озодлик байроғини баланд кўтариб майдонга чиққан ва халқнинг асрий эзгу нияти — мустақиллиқни қўлга киритган етук тарихий шахс Амир Темурдир. Ўзбек давлатчилиги ҳамда ҳарбий маҳорат соҳасида жаҳон тарихидан муносиб ўрин эгаллаган Амир Темур даври нафақат ўлкамиз, балки жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган замон сифатида ҳали кўплаб тадқиқотларни талоқ этади. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур элу улус тараққиёти, тинчлиги ва хавфсизлигини ўз орзу-умидларида муҳассам этган халқимиз фарзанди, “Темурийлар Ренессанси” асосчиси.

Буюк Соҳибқирон мамлакатни ривожлантиришда илм-фаннинг аҳамияти беқиёс эканини чуқур тушунар эди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темурнинг ўзи ҳам тиббиёт, математика, фалакиёт, меъморлик ва тарих илмидан яхши хабардор бўлган.

Амир Темур билан юзма-юз ўтириб суҳбатлашган Ибн Халдунийнинг таъкидлашича, улуг жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини ўзида акс эттирган китобларини чуқур ўрганган, шунингдек, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини яхши ўзлаштирган.

У машҳур олим фузалолар билан адабий анжуманлар, китобхонлик мажлислари ташкил қилган. Қолаверса, Амир Темур саройида бой кутубхона мавжуд бўлиб, у ерда замонасининг машҳур кишилари фаолият кўрсатган.

Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг бош девонида “Манзумаи турк” номли китоб тузилган. Мазкур асарнинг ёзилиш жараёнида Амир Темур унинг ҳар бир парчасини шахсан бир неча марта ўқиб чиқиб, тузатишлар киритган, таҳрир қилган. Қўшимча далилларга эътиб ўтилганда эса тегилли масканларга махсус одамлар юбориб, воқеаларнинг аниқ-равшан, тарихий ҳақиқатга мос ва давомий тартибда ёритилишини таъминлаган.

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат кишилари ҳукмдорнинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб хизмат қиларди. Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Муниш, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўъмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно



Алоуддин Коший, Жалол Хокий шулар жумласидан. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморлик, фалакиёт, адабиёт, тарих, musiқа каби соҳалари равнақида катта эътибор берарди.

Соҳибқироннинг бу борадаги хайрли ишлари кейинчалик унинг авлодлари томонидан давом эттирилди.

1405-1447 йилларда салтанатни бошқарган Шохруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида Темурийлар давлати ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан сезиларли даражада ривожланди. Айниқса, салтанат пойтахти Хирот Самарқанд каби Шарқнинг маданий марказларидан бирига айланди. Шохруҳ Мирзо Хиротда донги дунёга ёйилган машҳур олимлар ва шоирлар асарлари тўпланган ниҳоятда бой кутубхона ташкил қилган эди.

Мовароуннаҳр султони Мирзо Улуғбек математика, фалакиёт, ҳандаса ва тарих фанларида ўзининг буюк кашфиётлари билан ўчмас из қолдирди. У ёшлагичданок отаси Шохруҳ Мирзонинг кутубхонасида кўп вақтини китоб мутолааси билан ўтказган. Бинобарин, Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птоломей, Фаргоний,



Беруний, Абу Али ибн Сино, Форобий ва Хоразмий каби йирик олимлар асарлари билан яқиндан танишгани шубҳасиз.

1417 йилда Ғиёсуддин Жамшид Кошийнинг ўз отасига Самарқанд илмий мактаби тўғрисида ёзган хати қимматли ёдгорлик ҳисобланади. Мактубда Мирзо Улуғбек олим ва илмий мактаб ҳомиёиси сифатида таърифланади.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда замонасининг ноёб китоблари сақланган бой кутубхона мавжуд бўлиб, унда ўша даврнинг етук олимлари, ўнлаб ҳассос шоирлар фаолият юритар ҳамда кутубхонадаги қадимий

китобларни ўрганиб, уларнинг халқ ўртасида тарқалишида катта хизмат қилардилар. Жумладан, 1444 йили бу ерда Аҳмад Югнакийнинг машҳур “Ҳибат ул-ҳақоийқ” китоби янгидан кўчирилган.

Шунингдек, Мирзо Улуғбекнинг кўрсатмасига мувофиқ, кутубхона фаолиятида таржимонлик ҳам яхши ривожланиб, бир неча қимматли китоблар араб ва форс тилларидан туркий тилга таржима қилинган.

Мирзо Улуғбекнинг ўкаси Бойсунгур Мирзо ҳам ўз саройига олим фузалолар ва шоирларни йиғиб, китобхонлик анжуманлари ва мушоиралар ўтказгани, ўзи ҳам ғазаллар битгани тарихдан маълум. Хусусан, унинг китоб яратиш, қадимий китобларни тўплаш ва тадқиқ этиш мақсадида Хиротда кутубхона ташкил қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўша замон тарихчиларининг гувоҳлик беришича, кутубхонада ўз даврнинг 40 нафар машҳур каттопи, наққоши, мусаввири, саҳноф ва зарқори тўпланиб, илмий ва ижодий иш олиб борган. 1425-1426 йилларда мазкур кутубхона котиблари Бойсунгур Мирзонинг бевосита назорати остида Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг қирққа яқин қўлёзмасини солиштириб,



асарнинг мукамал матнини тузган. Мазкур нусхага “Бойсунгур сўзбоши” деб аталган муқаддима ёзилган.

Бойсунгур Мирзо машҳур Хирот тасвирий санъат мактабига ҳам асос солган эди. Абдураззоз Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида маълумот беришича, Бойсунгур Мирзо ҳомиёилигида кутубхона фаолияти, хунарамандлик, санъат ва маданиятнинг турли соҳалари ривожланган.

Бойсунгур Мирзонинг учинчи ўғли Абулқосим Бобур Мирзо ҳам бошқа темурий шахзодалар каби китоб, илм-маърифат ихлосманди сифатида олим шоирларни ўз саройига тўплаб, илтифот кўрсатарди. Ўзи ҳам китоб мутолааси ва шеърятга ҳавасманд бўлиб, туркий ва форс тилларида ғазаллар битган. Унинг саройида китобхонлик анжуманлари ва мушоиралар ўтказилган.

Темурийлар сулоласининг яна бир вакили, 1469-1506 йилларда Хуросонда ҳукмронлик қилган Султон Хусайн Бойқаро даврида илм-фан равнақи ва китобхонлик маданияти юқори чўққига кўтарилди. Бунда, албатта, сўз мулки султони Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг тутган ўрни ва роли беқиёсдир. Хусайн Бойқаро саройидаги кутубхонага ўрта асрнинг буюк санъаткори, миниатора санъатининг зарбаст вакили Камолiddин Бехзод бошчилиқ қилган бўлса, ҳазрат Алишер Навоийнинг кутубхонасига машҳур тарихчи Ғиёсуддин Хондамир масъул этиб тайинланган.

Алишер Навоий ва Султон Хусайн Мирзо даврида Хуросон аввалги замонлардаги

2025 йил  
17 ноябрь, 238-сон




Янги таҳрирдаги  
Конституциямиз  
муқаддимасида  
“давлатчилигимиз  
ривожининг уч минг  
йилдан зиёд тарихий  
тажрибаси, шунингдек,  
жаҳон цивилизациясига  
беқиёс ҳисса қўшган буюк  
аждодаларимизнинг илмий,  
маданий ва маънавий мероси”  
алоҳида таъкидланади.

нисбатан янада гуллаб яшнади. Зеро, Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзо таърифлаганидек: “Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназр элдин Хуросон, батахасси Хирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишининг бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга етургай”.

Султон Хусайн Мирзо даврида Хирот фан ва маданият марказига айланди. Бу даврда Хиротга олимлар, шоирлар, адиблар, расомлар, хаттотлар, муснақчилар кириб кела бошлади. Жумладан, табиб Хусайн жарроҳ ичакни кесиб даволашда чумолидан фойдаланиш усулини ихтиро қилган. Мусиқа илмида эса устод Сайид Аҳмад Ғижжак, устод Шохқули Ғижжак, устод Қул Муҳаммад Удий, устод Хусайн Удий, устод Шайх Фоний Ноний Хуросонда ном чиқарган етук мусиқашунослардан бўлган.

Наққошлик ва хаттотлик соҳасида Хожа Мирак Наққош, Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ва буюк истеъдод соҳиб устод Камолiddин Бехзод ўз маҳоратлари билан Хуросон довруғини оламга ёйган эди.

Темурийлар даври тасвирий санъат мактаби намоёндалари ҳақида сўз борганда Камолiddин Бехзод фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, дунёга донги кетган машҳур мусаввир ижодининг бошланиш ва тараққий этиш нуқтаси ҳам айнан Султон Хусайн Мирзо замони маҳсули эди.



Камолiddин Бехзод Бойсунгур Мирзо томонидан асос солинган Хирот тасвирий санъат мактаби фаолиятини тараққий эттирди. Бехзод Мир Алишер Навоий, Султон Хусайн Мирзо, Мавлоно Мирак сингари маърифатпарвар олимлар даврасида тарбияланди ва етук мусаввир санъаткор бўлиб етишди.

Шунингдек, мазкур даврда меъморлик ҳам ривожланди. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотида кўра, қирққа яқин йирик иншоот Султон Хусайн Мирзо даврида вужудга келган. Бинобарин, Хирот XV аср охиридаги ўз кўркамлиги ва ободонлиги соҳасида Султон Хусайн Бойқаро Мирзодан ва Алишер Навоийдан миннатдор бўлса ажаб эмас.

Амир Темурнинг яна бир авлоди, етук саркарда, ҳассос шоир, талантли адиб Заҳриддин Муҳаммад Бобур ақили, ўқимшли, зийрак, тадбиркор ва жасур инсон бўлган. У ҳам тарихчи, ҳам шоир, ҳам ёзувчи эди, musiқа илми, шеърый услуб ҳамда ҳарбий санъат ҳақида илмий рисоалар ёзган. Унинг “Бобурина” асари жаҳон тарихчилари ва шарқшуносларини ҳамон қизиқтириб келмоқда.

Бобур Хўжа Ахрорнинг тасаввуфга оид “Волидия” асарини назмга солиб, эски ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, алломанинг “Шеърлар девони” бўлиб, мазкур девон Бобурнинг Лутфий ва Алишер Навоийдан қолишмайдиган даражада етук шоир эканига далилдир. Шу билан бирга, Бобур солиқ солиш тартибларига бағишланган “Мубай-йин”, аруз илмига мансуб “Мухтасар” каби асарлар муаллифи ҳамда “Хатти Бобурий” ихтирочисидир.

Хулоса қилиб айтганда, Соҳибқирон Амир Темур томонидан асос солинган илм-фан, меъморлик, маданият ҳамда санъат намоёндаларига ҳомиёилиқ қилиш анъанаси унинг авлодлари томонидан изчил давом эттирилди ва “Темурийлар ренессанси” феномени юзга келди.

Хуришд ФАЙЗИЕВ,  
ЎЗР ФА Темурийлар тарихи  
давлат музейи директори



Ғаройиб суҳбат

Тунов куни Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг сайланмасини арақлаш асносида “Учинчи одам” шеърини ўқийтиб, кунчиқар юрт халқи бисотидаги маънавий жихатдан чуқур маънога эга бир ақида ёдимга тушди. Эмишки, “Инсоннинг учта юзи бўлади: биринчиси — ташқи (ишхона ва кўча учун), иккинчиси — ички (оила ва яқинлари учун), учинчиси — асл (одамнинг ўзи ёлғиз пайтидаги ҳақиқий, табиий, ички) юзи. Айнан учинчиси унинг ҳақиқий юзидир ва бу юзни инсон ўзидан бошқа ҳеч кимга кўрсатмайди”.

Аксарият инсонлар каби камина ҳам ёлғизликда ўша учинчи қиёфа билан қоламан ва бошқа — сокин, ўйчан алфозда беихтиёр ўзим билан қизгин суҳбатда киришаман. Бу жараён кўпинча ичимдаги “мен” билан “ўзим”нинг баҳс ва тортишувимизга айланиб кетади. Бугун негадир ушбу гурунглarning айримларини қозоғга тушириш истаги жўш урди.

Оила ва тарбия

**Мен:** — Ҳазрат Жалолддин Румий “Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл”, деб ёзиб қолдиргандан бери инсоният саккиз аср яшади. Ҳўш, бу масалада нега аксарият одамларнинг тили узун эмас? Жумладан, сенинг ҳам...

**Ўзим:** — Афсуски, шундай. Халқимиз асли каби кўринмаган ёки кўрингани каби бўлмаган кишиларни мунофиқ деб атайди. Мунофиқ сўзи лутгада “муғомбирлик қилмоқ”, “иккиюзламачи” деган маънони англатади. Мавлоно Румийни бежиз эгса олмадинг. Биламан, ул зотнинг тафаккур гулшанига сайр қилишни, бошқалар катта-катта роман ва ёстиқдай китобларда айтмоқчи бўлган муддаолардан кўра, юки оғир, қисқа сатрларда ифодаланган доно сўзларини бот-бот мутолаа қилиб туришни ёқтираман.



**Мен:** — Ҳа, истасанг, Румий ёзиб қолдирган ҳикматларни бир чеккадан эгса олишим мумкин, фақат бунга бир кун етмайди деган хавотирим бор. Ҳозир айтилган иттибоснинг тўлиқ ифодаси бундай: “Севгида кўёш каби бўл. Дўстлик ва қардошлиқда оқар сув каби бўл. Бировларнинг ҳатоларини ёшида кеча каби бўл. Тавозеда тупроқ каби бўл. Ғазаб ониди ўлик каби бўл. Ҳар не бўлсанг бўл — ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл!”. Энди саволга жавоб бер.

**Ўзим:** — Башарият қаби бу масалада нега менинг ҳам тилим узун эмаслиги сабабини айтмайми? Бу “хислат” менга она сутти билан кирган, қонимда бор. Эсингдами, ўтган аср 80 йилларининг охири,



Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ёш, ўйинқароқ пайтларимиз кўчадан ёки ўқшдан уйга келсак, дастурхонда бир бурда нон ва ярим коса овқат бизни кутиб турган бўларди. Онамиз “Болам, шунга еб олгин, қорнинг ҳам очиб кетгандир”, деб бошимизни силарди. Кечадан қолган таом ва суви қочган нон биз учун дунёдаги энг мазали егулик ўрнига ўтарди. Оч қоринга ютоқиб, иштаҳа билан уни тановул қилардик. Бир куни инсоф бериб, “Ўзингиз емаясизми” десам, “Қорним тўқ, ҳозиргина овқатландим, бу сенга”, деди онам. Лекин бу гап ёлгон эди, онам мени ширин меҳр билан алдади. Бундай ҳолатлар жуда кўп бўларди. Онамнинг бу “жинояти”га гоҳо отам ҳам шерик эди. Ўзлари юпун, биз эса байрамларда оҳорли кийим киярдик. Ўзлари оч, бизга бундай ғам бегона бўлган. Ўзлари хашамдан ироқ, ҳамёнларида фақат йўлқирага етадиган пул, бизнинг ёнимизда эса тушликка етиб ортадиган маблаг, (овозимиз дўриллаб қолган кезлар) қўлимизда соат, юзимизда қора кўзойнак бор. Нима, улар сийрати учун яхши овқатланиш, янги кийим кийиш, ўзига оро бериш истаги бегона эдимиз? Албатта, йўқ! Лекин улардаги сурат турган-битгани менинг, бизнинг манфаатимиз учун ёлгонга қурилганди. Энди ўзинг айт: шундай ота-она тарбиясини олган одамдан сен ортқча нарсга талаб қилмаяпсанми? Назаримда, сурат билан сийратни бирдек ушлаш имконсиздек.

**Мен:** — Барибир гапни чалгитпасан. Мана, ҳозир тўқинлик, фаровонлик замони-ку: истаган нарсанг муҳайё, шароит ва имкониятлар керагидан ортқ. Болалик, ёшлиқдаги армонларинг зурриётларингда йўқ. Бўлмасин ҳам. Сен, фарзанд ва жигар-

ларингга юқоридаги муаммолар энди бегона экан, нима учун ўзингни ўзгартаришинг мумкин эмас?

**Ўзим:** — Айрим одамларнинг, кўпинча ёшларнинг юриш-туришини, феълидаги нуқсонларни кўриб, қон босимим ошиб кетади. Булар ҳам ўзбек оиласида ўсганимкан, ота-онаси тарбиясини олганимкан, одоб ва маънавиятдан намунача узоқ бўлмаса деб ўйланаман. Бекатда автобус кутаётсам, сал нарида чамаси 25 ёшлардаги сўлакмондек йигит баланд овозда онаси билан телефонда гаплашиб, дағдаға оҳангида буйруқ берапти: “Ойи, менга қаранг, кеча айтдим-ку, пенсия пули тушганда дўкондан менга 3-4 қути сигарет олинг деб. Тунов кунгиси тугаб қолди.

(Сурат ва сийрат гурунги)

Кейин банкоматдан ҳам 300 минг сўм пул ечволинг, бугун кечга чойхонам бор”.

Қўлоқларимга ишонмадим. Қани энди, замон кўтарса-ю, бу такасалтангни эркак-часига тарбиялаб қўйсанг. Негаки бундай нокасларга одоб, тарбия, маънавият ҳақида гапириш бефойда. Саволнинг жавоб тариқасида яна Жалолддин Румий ҳикматларидан келтираман, фақат эсанг қотмасин: “Кўрлар бозорида ойна сотма!”.

**Мен:** — Афсуски, гуруч қурмаксиз эмас, бу каби калтабин ёшлар замонамизда яшайди, биз билан бир ҳаводан нафас олади. Инсон бу дунёга нима учун келганини яхшилаб билиб, англаб олмас экан, ҳар қандай йўл уни боши берк сўқмоқларга етаклайди. Бунга англаш жараёни эса он-



лада тарбия, одобдан иборат маънавият оламнинг устуллари орқали амалга ошади. Фарзанд тарбиясида энг самарали усул киши, аввало, ўзини тарбия қилишдир. Бошқаларга қандай муносабатда бўлсанг, атрофдан ўзингга бундан ортинини кутмаслик керак. Фурсат эса — ганимат! Ахир улугъ шоир китобида ҳам ўқидинг-ку: *Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт Кўнайди ўзидан уткан қусурлар. Кимсабир айтмай қолган бир раҳмат, Кимдандир сўрмай қолган дунёлар. Мукамил кўрмоқчи бўлдиқ юзлар, Етук бўлмадик ўзимиз бирок, О, йиллар армони, йиллар армони, Армон кўрмадик мен сиздан буюроқ, Имсонга тобемас замон, инчунин, Инсон юрагиди аламлар қат-қат. Фақат бир таскин бор, барчаси учун, Афсус чека билсанг — шу ҳам бир давлат.*

Касб ва масъулият

**Мен:** — Дунё гардиши айланишини кўриб, унинг мукамаллигига тасодифларга бой эканига тан бермай илжонинг йўқ. Касбинг тақозосига кўра, ўзинг ҳам бу нарсаларга неча бор амин бўлгансан-ку.

**Ўзим:** — Тўғри. Ҳаёт йўли шундай қомил инсонларга рўпара қилади, улар қалбиндан бир умр жой олади, уларнинг оддий гапидан, хатти-ҳаракатидан ўзинг учун тегишли сабоқ оласан. Гапсиз-сўсиз сени тарбия қилишади, ҳаётнинг тўғри ўзанига йўналтириб юборишади. Яна шундайлар қаршингдан чиқадики, эртаси кунгёқ уларни унутасан, қайтиб дуч келмаслик пайида бўласан. Бу гапларимга “Сўнгги пайтларда жуда сермулоҳаза бўлиб кетяпсан”, “Ақлли-ақлли” гаплар билан насихатчига айланиб бора-япсан”, деб эътироз билдириб қоласан гоҳо. Лекин нима қилай, ҳаётги тажриба аталмиш сандиқ тўлиб бормоқда, бу сандиқ тўлгани сайин вазни енгиллашиб, кўтариш осон бўладиган юк. Елкада бир умр ортмоқлаб юрлса ҳам толиқтирмайди, қайтага кишига куч, қувват беради. Ҳаёт йўлини ёритиб боради.

**Мен:** — Аслида, энг гўзал инсон сурати ва сийрати ўртасида мувозанат бор инсондир. Агар ташқи кўринишга эътибор берилса-ю, сийрат унутилса, бу инсонни қамолотга етказмайди. Ҳар бир инсон ўз сийратини гўзаллаштириш устида амалий ҳаракатда бўлиши керак: ахлоқини туза-тиши, илм олиши, бошқаларга яхшилик қилишни одатга айлантириши лозим. Юқорида нима демокчилигингни тушуңдим, шекилли. Ўзбек спорт журналистикаси ва футбол шарҳловчилиги мактаби асосчилари-

дан бири, ҳакам, устоз ва ёзувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ахбор Имомхўжаев берган сабоқ ҳақида айтмоқчисан.

**Ўзим:** — Шундай. Лекин бу сабоқ ҳаётимиз ва фаолиятимизда катта аҳамиятга эга бўлганини тан олиш керак. Узоқ йиллар телевидение эфиринда спорт, айниқса, футбол ўйинларини шарҳлаб, соҳа билимдония ва жонқуяри сифатида миллионлаб томошабинларда спортнинг ушбу турига муҳаббат уйғота олган Ахбор ака ўз даврининг жуда машҳур кишиси эди.

**Мен:** — Кел, шу гапларни эслаб, хотирамда тиклаб, мен айта қолай. Ўша пайтда республика ёшлар газетасининг спорт бўлимини бошқарар эдим. Иш юзасидан, спорт

тадбирлари ва мусобақалар пайти у киши билан кўп мулоқотда бўлардик. Бундан ташқари, кўпинча эрталаб ишга бораётиб, “Беруний” метро бекатида Ахбор ака билан қўришиб қолардик. Шундай кунларнинг бирида устоз Ўзбек футболни ҳақида бир китоб битаётганини айтиб қолди. Шартта гапидан ушлаб олдим: “Газетамизда янги асардан болларни эълон қилайлик”. Шу зайил 1995 йилнинг куз ойларида ҳали сиёҳи қурмаган янги асарнинг бир нечта боби ҳафтада бир кун ёшлар газетасининг ўнчакта сониди чоп этилди.

Ишлаш тартибимиз бундай эди: Ахбор ака билан кўнғироқлашиб, эрталаб метро бекатида учрашамиз. У менга 7-8 саҳифа қўлёзмасини (албатта, қайтартиш шарти билан, чунки у китоб бўлиб тахланиши керак-да) беради, мен уни ишхонага олиб бориб, машинкада тердираман (у пайтлар компьютер қаёқда), парча газетада чиқади, кейинги учрашувда қўлёзmani машинкада терилган матн билан қўлиб қайтариб, янги саҳифаларни олиб кетаман. Шундай занжир тартибини икки ойча айлантирдик.

Бир куни навбатдаги “олди-берди” олди-дан охириги қўлёзмаларни ҳеч тополмасам-да: ердаям йўқ, кўкдаям. Ноилж, фақат машинка матнини кўтариб, бошимни ҳам қилиб ҳузурига бордим. Нималарнидир гўлдираб, вазиятгни тушунтирдим. Ахбор ака “Бўлди, мени бошқа безовта қилманг, эссиз, шунча меҳнатим йўққа чиқибди”, деб аразлашини, зарда қилишини, дакки беришини кутдим. Лекин у ўзининг суратига мос ҳолда сийрати каби юмшоқ, жуда мулойимлик билан айтган гаплари менга бир умрлик сабоқ бўлди: “Нодирбек, укажон, ҳали ёшсиз, келажак-гингиз олдинда. Сиз муборак журналист касбини танлагансиз. Соҳа вақиллари учун масъулиятсизлик кўп панд беради. Майли, мен 5-6 арақни қайта қоралаб оларман, аммо кейинги сафар ҳафаллашиб қолишимиз мумкин. Бундай кейин ҳушёр бўлинг”. Минг шукрки, тақдир келгусида ҳафаллашиб қолишимизга йўл бермади. Шу-шу бировнинг омонатига, меҳнатига муносабатим тубдан ўзгарди, эҳтиётлашни, қадрлашни ўргандим.

**Ўзим:** — Ўзбек футболни тарихи, таракқиёт босқичлари таҳлили, хотиралар, қизикарли фактлар, футболга алоқадор матбуотларга бой китоб эса “Футбол — қувонч, дардим, фахрим” ном билан 1996 йил катта адабда ўқувчилар қўлига етиб борди. Ҳозиргача ҳар гал Ахбор Имомхўжаев даст-ҳати билан тортиқ қилган шу китобни қўлга олганингда ҳаётда берган дарсини янгитлаб олаверасан. Майли, ўтган устозларнинг руҳи шод, борларининг умрлари узоқ бўлсин.

Жамият ва дахлдорлик

**Мен:** — Бугунги тезкор ҳаётда инсон ҳақида биринчи тасаввур кўпинча унинг юзи, кийиниш услуби ва ташқи таъсирчанлигига қараб шаклланади. Аммо инсон ҳақиқий маънода қандай баҳоланиши керак: гўзал сурати биланими ё сийрати, яъни қалб ва ахлоқ гўзаллигими?

**Ўзим:** — Сурати гўзал инсон кўзга, сийрати гўзал инсон эса қалбга ёқади. Ташқи кўриниш алдамчи бўлиши мумкин. Ҳозир одамларда ташқи гўзалликка эътибор ортиб кетди. Кўплаб ёшлар ташқи кўринишини идеалга етказиш учун катта вақт, маблаг ва энергия сарфламоқда. Афсуски, бу жараёнда кўпчилик маънавий дунёси, ахлоқий қадриятлари ҳақи-



да унуга бошлади. Бир замонлар инсоннинг юзидидаги нур, кўзларидаги ифбат, қалбидидаги поклик унинг сийратини акс эттирувчи белги бўлиб хизмат қиларди. Ҳозир қора кўзойнак, сўнлий табассум, зийнатли кийим ортида қандай инсон турганини англаш мушкул.

Журналист сифатида кўплаб тадбирларда қатнашган пайтларимда турли тоифадаги одамлар билан суҳбатлашишга тўғри келган. Бир куни нафис кийиниб, сўзини ҳушмуомалалик билан бошлаган киши ҳаёт ҳақида, маънавият ҳақида гапирар экан, унинг гапларида қалб самимияти етишмаётганини ҳис қилдим. Аммо бир деҳқон отахоннинг оддий, лекин қалбдан чиққан сўзлари ҳаммининг қалбига етиб борди. Шу онда англадим: одамни сўзи эмас, сийрати таъсирчан қила-

да унуга бошлади. Бир замонлар инсоннинг юзидидаги нур, кўзларидаги ифбат, қалбидидаги поклик унинг сийратини акс эттирувчи белги бўлиб хизмат қиларди. Ҳозир қора кўзойнак, сўнлий табассум, зийнатли кийим ортида қандай инсон турганини англаш мушкул.

Журналист сифатида кўплаб тадбирларда қатнашган пайтларимда турли тоифадаги одамлар билан суҳбатлашишга тўғри келган. Бир куни нафис кийиниб, сўзини ҳушмуомалалик билан бошлаган киши ҳаёт ҳақида, маънавият ҳақида гапирар экан, унинг гапларида қалб самимияти етишмаётганини ҳис қилдим. Аммо бир деҳқон отахоннинг оддий, лекин қалбдан чиққан сўзлари ҳаммининг қалбига етиб борди. Шу онда англадим: одамни сўзи эмас, сийрати таъсирчан қила-



ди. Сурати ва сийрати уйғун инсон идеаллик оstonасини забт этган инсондир.

Ахборот муҳитидаги медиастандартлар кўпинча ташқи кўринишни тарғиб қилади. Телешоулар, ижтимоий тармоқлар, рекламалар инсонларга “гўзал бўлиш” учун биринчи навбатда ташқи кўринишга эътибор қаратиш лозимлигини уқитиб келади. Ушбу тенденция маънавий бўшлиқни вужудга келтирмоқда. Ёш авлод орасида нафақат ким бўлиш, балки қандай кўриниш кераклигини ўйлаб яшайдиган тоифа пайдо бўлди. Уларда жамият ривожини, кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссидан нишон йўқ, ташаббус ва намуна кўрсатиш каби фазилатлар бегона.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА  
АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ  
УЧУН МАЪҚУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Мен:** — Анча аввал, қайсидир йили таҳририят муассиси бўлган идора пойтахти-мизнинг туманларидан бирига масъул этиб бириктириб қўйилди. Вазифа куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, сув, газ ва электрни тежаш бўйича аҳоли орасида тарғибот олиб боришдан иборат эди. Тизим таркибидидаги ташкилотлар қатори сен бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаётган таҳририят ҳам туманининг бир маҳалласига масъул эди.

**Ўзим:** — Ҳа, эсладим. Шу масалада шаҳар бўйича катта йиғилиш бўлди. Унда ҳудудларга бириктирилган масъуллар ва туман ҳокимлари иштирок этди. Йиғилиш-ни бошқарган катта мутасадди қўйидаги мазмунда гапирди: “Одамлар эшик-дараза ромлари тирқишларига пахта тикишлари керак. Сувни, электрни, газни тежаш лозим. Эраклар соқол олганда сувни шилдириб оқизиб қўямасин, соқол қиртишлашга бир стакан сув етади ва ҳоказо...”.

Сўнг туман ҳокимларига жойларга чиқиб, маҳаллалар кесимида шундай мажлислар ўтказиш ҳақида топшириқ берди. Туманда 30 дан ортқ маҳалла бор эди. Орадан 2 кун ўтиб, навбат сен бириктирилган маҳаллага келди. Вақил сифатида мажлисда туман ҳокими билан юқорида кўр тўкиб ўтирдинг. Ҳоким сўз олиб, ўша катта йиғилишда эшитган гапларни такрорлаш билан чекинди: “Одамлар эшик-дараза ромлари тирқишларига пахта тикишлари керак. Сувни, электрни, газни тежаш лозим. Эраклар соқол олганда сувни шилдириб оқизиб қўямасин, соқол қиртишлашга бир стакан сув етади ва ҳоказо”. Оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин эдики, йиғилиш хўжақўрсинга, “Мажлис бўлдими?” деган саволга “Ҳа, бўлди” деган жавобни бериш учун ўтказилди.

**Мен:** — Ўшанда камдан кам чиқади-ган жаҳлинг ўзини кўрсатган эди. “Одамларга айтадиган ўз гапингиз йўқми? Ҳар бир маҳалланинг ўзига яраша муаммолари бор, шунга қараб иш ташкил қилинса бўл-майди? Ўзингизда бу борада ташаббус ё тақлифлар йўқми? Ҳозиргидек мажлисдан нима наф? Инсоннинг энг катта душмани — лоқайдлик, бундай совуққонлик яхши эмас”, дединг ҳокимга масъул вақил сифатида. Кўпни кўрган, сен каби тирмизак вақилларнинг анчаси билан тўқнаш келган ҳоким ҳам бўш келмади: “Бошқа мажлис чақирайми? Ўзингиз маъруза қилиб, тақлиф ва ташаббус билдирасизми?” дед кинойа қилди.

**Ўзим:** — Бу каби бепарво, жамият учун жон куйдирмас, дахлдорлик нималигини билмас раҳбарлар ҳам, юртдошларимиз ҳам аввал анча эди, ҳозир ҳам йўқ эмас. Лекин ўша маҳалланинг раиси жуда фидойий инсон эди. У билан маслаҳатлашиб, биргаликда анча ҳашири ишларга бош қўшгандинг. Одамларнинг қувончига, миннатдорлигига сабаб бўлган ҳаракатларинг ортидан кўплаб раҳмат ва миннатдорликлар эшитиб, қанча енгил бўлганинг, қушдек учиб юрганларинг ёдингдими?

**Мен:** — Албатта. Бу ҳаётда ҳар бир инсоннинг бурчи бор: кимдир илм тарқатади,

кимдир меҳнат билан жамиятга тантаная етказлайди, кимдир эса шунчаки бир яхши сўз билан бошқаларга руҳ беради. Менимча, инсоннинг ҳақиқий бурчи бошқаларнинг қалбига нур уйғотиш, яъни эгулик уруғини сочишдир. Шу орқали у ўз ҳаётини ҳам мазмунли қилади.

**Ўзим:** — Қўрдингни, сен битта маҳалладаги кичик натижалардан қанча қувоняпсан. Энди мамлакат, давлат миқёсида кечаётган “Инсон қадри учун” тамойили самараларидан гоё муаллифи қандай қувонаётганини тасаввур қилиб олавер. Халқимиз, юртдошларимизга ишонча ва умид бераётган хайрли ишларни бардавом қилсин!